

Мўмин киши ихтилофлардан узоқ бўлиши учун нима қилмоғи керак?



15:07 / 22.06.2019 1668

Ушбу ва бу ерда айтилмаган яна бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда фикҳ илмини ўрганиш, ўтган буюк фақиҳларимиз қолдирган улкан илмий меросдан унумли фойдаланиш ва мусулмонлар оммасига бу илмни замон руҳига мос равишда етказишни илмий ва тўғри равишда йўлга қўйиш зарур. Ана шунда фикҳ ҳақидаги ихтилофлар ҳам барҳам топиши учун катта бир қадам қўйилган бўлади, иншааллоҳ.

Умуман олганда эса мусулмонлар иложи борича диний саводларини ўстириш устида ишламоқлари керак. Аҳли илмлар илмни пухта эгаллаш пайида бўлишлари, кишиларни ихтилофга солиш ўрнига, уларни ихтилофдан чиқариш ҳақида қайғуришлари лозим ва лобуддир. Агар баъзи бир масалада турли фикрда бўлиб қолсалар, уни дарров халқ оммаси ичига олиб чиқмасдан, аввал ўзлари илмий мажлисларда ҳал қилиб олиб, бир фикрга келганларидан кейингина кўпчиликка эълон қилишлари керак. Қисқасини айтадиган бўлсак, ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб ихтилофга қарши курашмоғимиз, ихтилофга олиб борадиган ҳар бир йўлни, сўқмоқни яхшилаб тўсмоғимиз зарур.

Ҳар бир мусулмон банда Аллоҳ таолонинг:

«Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз орасини ислоҳ қилинг» (*Хужурот сураси, 10-оят*), деган оятига доимий равишда оғишмай амал қилмоғи керак. Ҳамма дин қардошлари билан биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоғи лозим ва лобуддир. Шунингдек, ҳар бир мусулмон банда икки биродари орасига ихтилоф тушиб қолганини сезиб қолса, дарҳол уларнинг орасини ислоҳ қилишга ўтмоғи даркор.

Азиз диндошлар! Биз барча муваффақиятсизликларимиз манбаи ўзаро ихтилофларимиз эканини тушуниб етмоғимиз лозим. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг абадий дастури бўлмиш Қуръони Каримда биз мусулмон бандаларига хитоб қилиб:

«Ўзаро низо қилманг, у ҳолда тушкунликка учрайсиз ва куч-қувватингиз кетади» (*Анфол сураси, 46-оят*), дегани бежиз эмас. Ҳа, улуғ Аллоҳ тўғри айтади, ихтилоф мусулмонларни тушкунликка туширади, куч-қувватларини кетказди. Агар тушкунликка учрамайлик, куч-қувватимиз кетмасин, десак, ихтилоф қилмайлик.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сиз билан биз умматларига хитоб қилиб:

«Ихтилоф қилманглар. Албатта, сиздан аввалгилар ихтилоф қилдилар ва ҳалок бўлдилар», деганлар. Агар ўтган умматларга ўхшаб ҳалокатга дучор бўлмайлик, десак, ихтилоф қилмайлик.

Бир-биримиз билан ихтилоф қилиш учун сарф қилаётган ақл-заковат, илм-маърифат, куч-қувват ҳамда вақту имкониятларимизни бошқаларни динимизга, ибодатга даъват этишга сарфлайлик.

Ушбу камтарона сатрларга нуқта қўйишдан олдин, тарих давомида Аллоҳнинг инояти ила кўплаб қийинчиликларни шараф билан енгиб чиққан мусулмонлар бу сафарги қийинчиликларни ҳам енга олишларига ишончимиз комил эканини таъкидламоқчиман.

Аллоҳ биз билан! Аллоҳ мусулмонлар жамоаси билан! Ва охири дуоимиз: оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

“Ихтилофлар: сабаблар ва ечимлар” китоби